

ЧИРОЙЛИ ХОТИМА

15:42 / 28.04.2017 3971

Бундан бир неча ой муқаддам Бухородан икки киши пойтахтимизга меҳмон бўлди. Агар бир воқеа рўй бермаганида, бу оддий бир меҳмондорчиликдан бошқа нарса бўлмасди. Аммо воқеанинг қиймати инсофи бор ҳар қандай инсонни ларзага солади. Бухоролик меҳмонлар ўз юмушларини битказиб Чорсуга тушишибди. Пешин вақти бўлгани учун намозни Хўжа Аҳрор Валий жомеъ масжидида ўқишга ҳозирлик кўрибди. Пешиннинг аввалги тўрт ракаат суннатини ўқиб бўлгач, одатдагидек фарзга такбир туширилибди. Икки мусофир ёнма-ён бўлиб жамоат сафига қўшилишибди. Имом орқасида ихлос ила бошлар эгилиб саждалар қилинибди. Бошлар тўртинчи ракаат учун саждадан узилибди. Бироқ ҳалиги меҳмонлардан бирининг боши саждадан кўтарилмабди. Кимлардир бу ҳолдан қаттиқ таажжубга тушгани аниқ. Баъзилар эса хушъуси устунлик қилиб буни сезишмаган ҳам. Икки ёнга салом берилибдики, мусофир бошини саждадан кўтармабди. Бундан ҳайрону лол бўлган шериги минг бир ҳайрат ичра секин туртса, меҳмон шилқ этиб ёнбошига йиқилибди. Унинг жонини Яратганнинг инояти билан Ўлим фариштаси учинчи ракаатнинг саждасидаёқ руҳлар дунёсига кўтариб улгурган эди. Руҳлар дунёсида бу мужда малоикалар томонидан қарши олинган бўлса, не ажаб. ... Нафси ожизимиз билан кўп ишлар қилиб юборамиз. Дунёнинг ишларига фарқ бўлиб кетганимизда шу ва шунга ўхшаш ҳикоятлар қалбимизни тергай бошлайди. Дунё ғамини бир оз бошимиздан кўтариб, охират ғамини қалбимизга ўрнатган Роббимиздан иймон калимасини айтиб жон беришни сўраб ёлворамиз. Инсон барибир ўлим шарбатини тотиб кўрар экан, тотгувчи соатимиз сажда маҳалига келига тўғри келишини ич-ичимиздан истаймиз. Бунинг учун эса Аллоҳ таолога, Унинг Расулига яқийн бўлайлик. Қуръон ва ҳадис ҳукмларини ҳаётимизга тадбиқ қилиб яшаган ҳолимизда инша Аллоҳ бухоролик биродаримизнинг ширин ўлими бизга ҳам насиб этади.